

ҲАБИБ ТЕМИРОВ

ҚАСОС ВА МУҲАББАТ

Роман

«Tafakkur qanoti»
Тошкент - 2019

УЎК: 821.1
КБК 84(Ў5)
T-92

Темиров, Ҳабиб

T-92 Қасос ва муҳаббат: роман / Ҳ. Темиров. – Тошкент:
«Tafakkur qanoti», 2019. – 384 б.

ISBN 978-9943-577-98-5

© Ҳ. Темиров, 2019 й.
© «Tafakkur qanoti», 2019 й.

“СИЗ БОШҚА-КУ?”

Миртожи “янги ўзбек” лардан. Шаҳарда уни танимаган, эшитмаган одам йўқ ҳисоби. Беш-олтита корхонаси бор. Данғиллама ҳовли-жойлар солган.

Шу одам бугун тўй қиляпти. Тўнғич қизи Лайлони узатяпти. Қуда бўлмиш Қолдибек ҳам ўзига ўхшаган тадбиркор. Россияга мол жўнатиб бойиган. “Бир эсда қоларли тўй қилайлик”, деб келишиб олишибди қудалар. Металл эритиш комбинатининг муҳташам Маданият саройини ижарага олишган. Улкан тўйхонага ташриф буюрган меҳмону хизматкорларни ҳисобласа, бир неча минг киши чиқади. Дастурхонда кийикнинг гўшtidан тортиб, қушнинг сутигача муҳайё этилган. Пойтахтдан келган таниқли санъаткорлар хизматда. Даврани республика халқ артисти Қосим Давронов олиб бораётир.

Сунбуланнинг сунбул оқшоми чўкиб, майин шабада дилларга ором беради.

Мукаллифлар, яъни тўйга таклиф этилганлар барчаси аллақачон жамулжам бўлганига қарамасдан, келин-куёвдан ҳамон дарак йўқ. Миртожибой безовта, юраги ниманидир сезгандек қисилди. Қолдибек унга таскин берди.

– Ёшлар шаҳар айланишиб, сал кечикишяпти чоғи. Хавотирланманг. Келиб қолишадди.

– Гаи-паи ушламадимикан ишқилиб? Икки-учта “Лимузин”, беш-ўнта “Мерседес” қаторлашиб кўча ҳаракатига халал берган бўлса...

– Қизиқмисиз? ГАИнинг бошлиғи шу ерда-ку! Уч-тўртта ходимлари Маданият саройи атрофида кўриқчилик қилиб туришибди.

– Ҳа, ишқилиб тинчлик бўлсин...

Миртожи сўзини тугатмаёқ қоп-қора “Нексия” елдек учиб келиб, эшик олдида ғийқиллаб тўхтади.

Ундан бўғриқиб, нафаси бўғилиб кетган куёв тушиб, отаси томонга чопди.

Миртожи унинг орқасидан бориб, таҳдид билан шивирлаб сўради.

– Бошқалар қани, Фарҳод?

– Келин... йўқ... – деди йиғламсираб куёв. – Биттадан коктейл ичайлик деб “Сицилия” қаҳвахонасига киргандик, “сочимни тузатай, ҳозир қайтаман” деб пастга тушувди. Ўн-ўн беш дақиқадан кейин чиқиб суриштирсам, битта қизил “Жигули”га ўтириб кетди, дейишди.

– Ҳазил қилмоқчи бўлгандир, – деди миясига келган фикрни тилига чиқариб Миртожи. Аммо-лекин юраги шувиллаб товонига тушиб кетгандек бўлди.

– Қўйинг-е, шунақа пайтда ҳазилга бало борми? – деди Қолдибек.

– Бу тўнғич қизим ўзи шунақароқ. Сал эрка ўсган. Ҳозир келиб қолади, – деди Миртожи. – Сиз, Фарҳоджон, “Сицилия”га қайтиб боринг-да, кўноқларингизни бемалол бу ёққа олиб келаверинг. Тушунарлими? Мен ҳозир... келинни топтираман...

Куёв миниб келган машинага ўтириб, изига қайтиб кетди.

– Сиз, куда, – деди Миртожи Қолдибекка юзланиб, – ичкарига кириб, меҳмонларни зериктирмай турсангиз. Қизиқчи йигитларга топшириқ беринг. Янги латифалардан айтиб, кулдирсин. Ўрта совимасин.

У ўзини ҳарчанд вазмин тутишга ҳаракат қилса-да, юрагини ваҳима, кўрқув босди. Шу боисдан қудасига буйруқ оҳангида гапирганини ҳам сезмади.

Қолдибек ичкарига кириб кетди. Миртожи бир зум ўйланиб қолди. Чекди. Қўл телефонидан қаергадир телефон қилди. Бир неча дақиқадан сўнг базмгоҳдан чиққан қанақадир қиз билан машинага ўтириб, бир зум ўтмай кўздан ғойиб бўлди.

Бу орада “Лимузин”лар оқими мусиқали сигнал чалиб, шовқин-сурон билан тўйхонага кириб келди. Куёв навкарлари, келиннинг дугоналари бирин-кетин ичкарига ўтишди. Машинадан энг охирида тушган Фарҳод эшик ёнида турган отаси – Қолдибек олдига келиб сўради:

– Топилдими?

– Ҳа, дадаси ҳозир кўнғироқ қилди. Келин уйга кирган экан. Беш-ўн минутда келишади...

Дарҳақиқат, кўп ўтмай янгроқ мусиқа садолари остида тўй даврасига қора итальян костюм-шими устидан бухороча зарбоф тўн кийган куёв ва оппоқ ҳарир либосли, юзига ғоят бежирим кашмири чачвон тутган келин кириб келишди. Ҳамма оёққа турди.

Гулдурос қарсақлар, олқишлар янгради.

Келин-куёв боши узра сон-саноксиз гуллар ва... пуллар сочилди. Бола-бақра оёқ остида пилдираб, пул терди. Созандалар “Тўйлар муборак”ни чалиб, доирани гумбаданг қилишди.

Халқ артисти даврани очди. Илк табрик ва қутловлар янграб, келин-куёвга ўтириш учун изн берилди. Мусиқа баланд пардаларда авж олди. Шампанларнинг тиқини “пақиллатиб” отилди...

Шу чоққача ҳовлиқиш ва ҳаяжон оғушида карахт бўлган куёв ўтиргач, қайлиғига ўпкалаган тарзда ўгирилди ва унинг чачвонини оҳиста кўтарар экан... қотиб қолди.

– Ие, – деди у сал бўлмаса йиқилиб тушай деган аҳволда. – Сиз... бошқа-ку!

– Жим! – деди келин тахдидли овозда. – Жим ўтиринг! Мен ўшаман! Мен... кейин тушуниб оласиз.

Фарҳод жонҳолатда нажот излаб, жавдираган кўзлари билан отасини қидириб топди. Отаси қайнотаси билан бирга келин-куёв ўтирган баланд ва ҳашаматли равон пойига келиб, зиналардан юқорига кўтарилаётгандилар. Куёвнинг нигоҳи отасининг кўзлари билан эмас, Миртожининг қатъий қараши билан тўқнашди. Бу қарашдан у гўё: “Хавотир олма, ҳаммаси келишилган, ҳаммаси яхши бўлади”, деган маънони уқди. Кейин Қолдибекдан худди ишора бўлди...

Тўй бир маромда давом этар, Миртожи зоҳиран сокин, ботинида эса бўрон гувилламоқда эди. Кўзлари билан даврадан кимнидир қидирар, юзлаб нигоҳлар орасидан маъноли бир нигоҳни, яъни ҳозиргина юз берган машъум ҳодисадан бохабар, эҳтимолки, бево-сита қўли бор одамни, яъни ўзига ашаддий душман бўлган маккор ва ғаддор кимсанинг нигоҳини қидирар эди.

Нигоҳлар эса... деярли бир хил. Ана, вилоят ва шаҳар маъмуриятидан келган амалдорлар. Ҳаммаси Миртожининг ошналари. Улардан шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Сал нарироқда ҳамкасблари – заводчи бойлар, уч-тўрт киши ўн кишилиқ столни банд этиб, тўкин дастурхонга нописандроқ назар ташлаб ўтиришибди. Шулардан... чиққанми? Йўқ, Миртожи уларга рақобатчи эмас. Берироқдаги столда ёшлиқдан бирга ишлаб келаётган тижоратчи ошналари ўтиришибди. Шубҳа қилган одами шуларнинг ичидамикан? Ёки... шунчаки тасодифий кулфатми бу? Йўқ. Унақада айнан тўй куни юз бермас эди бу воқеа. Бу – маккорона, пухта ўйлаб, режалаштирилган қасос. Бу – Миртожининг нақ юрагини мўлжалга олган ўқ. Хўш, уни ким отди? Бу

ногаҳоний зарбани унга ким берди? Эй, Худо, ўзингга шукрки, Миртожига нақ шармисорликдан чиқиб кетишига йўл кўрсатиб, уни асраб қолдинг. Аммо... қайси қурбонлик эвазига. Бечора Шаҳло. Оқпадар Лайло. Уни... не бало урди? Нега бундай йўл тутди? Эл-юрт олдида нега унинг шарманда бўлишини ўйламади? У ахир бундай шармандаликни кўтаролмаслигини биларди-ку! Қайдан келган жазо бу? Қайси гуноҳим учун?

Шу айқаш-уйқаш фикрлар унга тинчлик бермасди. Унинг хаёли узоқ-узоқларга кетди. Бундан йигирма йил олдин юз берган бир воқеа жонланди. Шунча пайтдан бери тинчлик бермай, азоблаб, юрагини тирнаб келадиган ўша воқеани яна эслади. Бугунги воқеа уни эслашга мажбур этди. Эҳтимол, ўша ҳодисага мутлақо алоқадор эмасдир, аммо...

Аммо Миртожи бугунги воқеани ўша воқеа билан боғлади. Беихтиёр гуноҳим учун тортаётган жазоим бўлса керак, деб ўйлади. Аламзада кўнгли учун бир овунч истаб, хотинини қўлтиқлаганча, яна меҳмонлар сафига қайтди. Мажбуран, ночор жилмайди. “Хуш келибсизлар, хуш келибсизлар”, деган гапни такрорлади. Шу аснода ёрдамчиси Қўшоқбойдан:

– Таклиф этилган меҳмонларнинг ҳаммаси келиб бўлдим, – деб сўрашга ҳам улгурди.

– Деярли ҳаммаси, – деди Қўшоқбой, – бир-иккитаси Шавқиевнинг тўйидан чиқиб келишади. Унинг тўйи барвақтроқ бошланган, ҳадемай тугайди.

– Яхши, сергак бўлинглар, меҳмонлар қаровсиз қолмасин, – деди Миртожи ва ўзи сезмаган ҳолда: “Ҳеч уйланишга тўймас экан-да, бу Отабой ота”, дея ғудраниб қўйди.

Дарвоқе, чиндан ҳам худди шу соатларда шаҳарнинг бошқа бир бурчагида яна бир тўй авжига чиққан эди. Бу тўйнинг асъасаю дабдабаси Миртожибойнинг қизиники сингари зоҳиран, яъни очиқ кўринмас, бироқ ботинан жуда сарбаланд эди. Яъни...

“Империа” деб аталмиш шаклан мўъжазгина, лекин ниҳоятда ҳашаматли, идиш-товоғидан тортиб, қошиқ-санчқисигача ўта қимматбаҳо – киборона ресторанда шаҳардаги “оғзи катта”лардан бири – Отабой Шавқиев ҳам... уйланмоқда эди.

Ёши олтмишни қоралаб қолган бу одамнинг кимлиги, нечанчи марта ва кимга уйланаётганлиги ҳақида ҳозир муфассал фикр юритмоқчи эмасмиз. Илло мавриди келганда, ҳаммасини ипидан-игнасигача библиб оласиз. Ҳозирча эса бу ҳақда қисқа ва юзаки бир маълумот бериб қўйиш билан чекланиб, асосий воқеаларимиз силсиласига қайтамиз. Ушбу силсиланинг қоқ ўртасига Шавқиевнинг тўйи ҳақидаги эслатмани киргизиб ўтганимизнинг боиси эса бир пайтга тўғри келиб қолганини таъкидлаш, холос. Уларни муқояса этиш эмас. Асосий сабаб – бу икки тўйнинг воқеан бир-бирига алоқадор экани, шу билан биргаликда, Отабой ота деб аталувчи бу анчайин ҳурматли зотнинг асаримизда ўзига хос ва ўзига мос ўрни борлиги билан боғлиқ. Шунга қарамасдан, ҳозирча биз унинг ва келиннинг исми-шарифи ҳамда кўҳна, лекин ҳамisha навқирон ушбу куёвтўранинг навбатдаги тўйларидан бири бўлаётгани ҳақида қисқача баёнот бериш билан чегараланамиз, холос. Ҳа, айтганча, бу тўйда одам кўп эмас. Нарӣ борса, эллик-олтмиш чоғли киши. Аммо... қанақа кишилар! Ҳар бири ўн, юз, минг кишига татийдиган, ўйлашларича, юқори тоифали шахслар,

бир сўз билан айтганда – киборлар. Улар олтин рангли шоҳсупа устида ёнма-ён ўтирган салобатли Отабой ота ва ойдай тўлиб ўтирган Ойчирой ойимга қараб, ўқтин-ўқтин:

– О-о! О-о! О-о! – деб қўйишар, бу куёв ва келин исмларининг биринчи ҳарфлари эмас, келиннинг нақадар ёш, нечоғлик гўзал эканлиги боис туғилган ҳадду ҳисобсиз ҳайрат ифодаси эди.

Тўйда ўртакашлик қилаётган халқ шоири Саной жаноблари ҳам бу ҳайратга шерик эди ва ҳар икки гапининг бирини:

– Исмлари жисмларига ва бир-бирларига мосу монанд куёвтўра ва келинпошша, – деб бошлар ҳамда табрикларнинг деярли ҳаммасига қўшимча қилиб:

– Илойим айтганингиз келиб, Отабой акамиз қўчқордай ўғилларга ота, Ойчирой янгамиз бахтиёр она бўлиб юрсинлар, – деб қўяр эди.

Куёвтўра ҳар ана шу қўшимчани эшитар экан:

– Иншоолло... Ё илоҳо... Илоҳим... – деб пичирлар эди.

ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛ АВВАЛ

Тоғлар қўйнидаги Шакарсой қишлоғи. Қуюқ арчазорлар бағридан бошланиб, улкан тошларга урила-урила шовуллаб пастга оқувчи чучук сувли кичик дарё соҳилида жойлашгани учун бу қишлоқни шундай деб аташади. Унинг аксар аҳолиси тоғда йилқичилик, чорвачилик, асаларичилик билан шуғулланади. Бу ернинг сут-қатиғию асалини минг дардга даво дейишади.

Тўтиё исмли қиз шакарсойлик чўпон – Холдорқулнинг тўнғичи. Мактабдан бўш пайтларида онаси иви-

тиб берган қатиқни Заркент бозорига олиб бориб, сотиб келади. Бўйи чўзилиб, сарғиш юзларининг тўри тарқаб, тиниқлашиб қолган. Дафъатан кўрган киши унинг мовий кўзлари, тилларанг сочларига қараб, “юнонми, грекми бу қиз”, деб ўйлайди. Унинг хушрўйлиги, келишган қадду қомати ҳар қандай одамнинг бошини айлантириб қўярди.

Гўзал бу қиз қатиқни ё арзон сотиб қўяди, ё насиёга бериб юбориб, онасидан доим гап эшитиб юради.

Тунов куни дугоналаридан бири Заркентда қатиқ бозори касод бўлаётганини айтиб, “катта шаҳарга бормаймизми”, деб қолди. Эртасига она ризолиги олингач, икки дугона аввалдан шаҳарга қатнаб юрган Салима хола ҳамроҳлигида йўлга чиқишди. “Қозоқ бозор” деб аталмиш бозорчада тушгача савдо қилиб, олиб борган қатиқ-қаймоқларини сотиб бўлишди. Идишларини йиғиштириб, жўнашга чоғланаётганида йигирма беш ёшлар чамасидаги хушбичим бир йигит қатиқ сўради.

– Тамом бўлди, – деди Тўтиё.

– Афсус. Энди қачон олиб келасизлар? – деб сўради йигит.

– Келгуси якшанбада.

– Мен Шакарсойнинг қатиғини жуда яхши кўраман. Малол келмаса, алоҳида бир идишга солиб, уйга кириб бериб берасизларми?

– Уйингиз қаёқда? – деб сўради Салима хола гапга аралашиб.

– Мана шу бозорнинг орқасида. Йўлғунзор кўча, 5-уй, исмим Миртожи. Демак, келгуси якшанба кутаман-а?

– Яхши. Олиб келамиз, – деди Салима хола.

Якшанба куни Салима хола бозор билан ўралашиб, ҳалиги йигитникига киролмади.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4479> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4479> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4479>